

"ТАСДИҚЛАНГАН"
«BIOKIMYO» aksiyadorlik jamiyati
Кузатув кенгашининг 2016 йил
28 июлдаги 2-сонли йиғилиши
қарори билан

Кузатув кенгаши раиси
Э.К.Уралов




"РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛГАН"
Қимматли қоғозлар бозорини
мувофиқлаштириш ва
ривожлантириш марказининг
Тошкент вилояти ҳудудий
бошқармаси томонидан
Бошқарма бошлиғи в.б.
Б.Н.Шукуров



ҚЎШИМЧА АКЦИЯЛАР ЧИҚАРИЛИШИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОР
«BIOKIMYO» aksiyadorlik jamiyati

Идентификация рақами
берилди:



Номинал қиймати 3 350 сўм бўлган, 1 071 240 дона эгаси ёзилган, оддий,
хужжатсиз (нақдсиз) акциялар.

Мазкур чиқарилаётган акциялар ёпиқ обуна орқали, Устав фонди қўшимча
акцияларни жойлаштириш йўли билан оширилади. Бунда ҳар бир акциядорга унга
тегишли акциялар билан бир турдаги акциялар, унга тегишли акциялар сонига
мутаносиб равишда тақсимланади.

Акцияларнинг ушбу чиқарилиши еттинчи чиқарилишдир.

Тасдиқланган: Кузатув кенгашининг 2016 йил 28 июлдаги 2-сонли
йиғилиш қарори билан.

28 июль 2016 йил 2-сон баённома «BIOKIMYO» АЖ Кузатув кенгаши
йиғилишида қўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисида қарор қабул қилинган.

Эмитентнинг жойлашган жойи, почта манзили, мулоқот телефонлари ва
электрон почта манзили:

Жойлашган жойи: Тошкент вилояти, Янгийўл туман, Кимёгар кўчаси, 1 уй

Почта манзили: 112004, Тошкент вилояти, Янгийўл туман, Кимёгар кўчаси, 1 уй

Мулоқат телефонлари: 0-370 60 2-49-18, Факс: 0-370 60-2-43-84

Веб-сайт: www.biokimyo.uz

Эл.почта: info@biokimyo.uz, yangivolbiokimyo@vinsanoat.uz

Эмитентнинг раҳбари:

Бўйбўжгалтер ўринбосари:



С.С.Шамшиев

К.А.Меметова

Сана "28" июль 2016 йил.

1. Ушбу чиқарилишдаги эгасининг номи ёзилган акциялар тури (оддий ёки имтиёзли): *оддий*
2. Ушбу акциялар чиқарилишининг шакли: *хужжатсиз (накдсиз)*.
3. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг номинал қиймати (сўм): 3 350 сўм.
4. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг сони (дона): 1 071 240 дона
5. Ушбу чиқарилишнинг умумий ҳажми (сўм): 3 588 654 000 сўм
6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар эгаларининг ҳуқуқлари:
 - тегишли жамият акциядорларининг реестрига киритилиш;
 - депозитарийдаги депо ҳисобварағидан ўзига тааллуқли кўчирма олиш;
 - жамият фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;
 - жамият тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;
 - акциядорларнинг умумий йиғилишларида овоз бериш орқали жамиятни бошқаришда иштирок этиш;
 - жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш;
 - олган дивидендини эркин тасарруф этиш;
 - қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
 - ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;
 - ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат ноtijорат ташкилотларига бирлашиш;
 - қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурта қилиш ҳуқуқига эга.Акциядорлар қонун ҳужжатларига ва жамият уставига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин
7. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг олинишига нисбатан жамият уставидagi ва/ёки чиқарилиш тўғрисидаги қарордаги ҳар қандай чеклашлар:

Жамият уставига ушбу чиқарилишдаги акцияларни жойлаштирилишига нисбатан чеклашлар мавжуд эмас. Чиқарилиш тўғрисидаги қарорга асосан чиқарилаётган акциялар ёпиқ обуна орқали жамият акциядорлари ўртасида акциялар тури ва сонига мутаносиб равишда жойлаштирилади.
8. Жамият устав капиталининг миқдори (сўм): 1 196 218 000 сўм
9. Илгари жойлаштирилган акциялар сони (турлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади): 357 080 дона эгасининг номи ёзилган оддий ҳужжатсиз (накдсиз) акциялар;
10. Илгари жойлаштирилган корпоратив облигациялар сони (турлари ва кўринишлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади): жамият томонидан облигациялар чиқарилмаган;
11. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг шартлари ва тартиби:
 - 11.1. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг усули (очиқ ёки ёпиқ обуна): Мазкур чиқарилаётган акциялар ёпиқ обуна орқали, 2016 йил 22 июнь санасига шакллантирилган реестрдаги жамият акциядорларининг ўртасида акциялар тури ва сонига мутаносиб равишда жойлаштирилади.

11.2. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг муддати: Мазкур акциялар чиқарилуви давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб 90 (тўқсон) календар куни ичида жойлаштирилади.

- **акцияларни жойлаштиришни бошлаш санаси-** ушбу акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарор давлат рўйхатидан ўтказилган кун.

- **акцияларни жойлаштиришни тугатиш санаси** - охириги акция жойлаштирилган кун, лекин ушбу сана акциялар чиқарилуви давлат рўйхатидан ўтгандан 90 (тўқсон) календар кунидан ошмаслиги лозим.

11.3. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг тартиби: ушбу акциялар барча акциядорлар ўртасида уларнинг ҳар бирига тегишли акциялар сонига нисбатан мутаносиб равишда тақсимланади, бунда фуқаролик-ҳуқуқий битимлар тузилмайди;

11.4. Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ва қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олишни амалга оширувчи инвестиция воситачисининг ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўз ичига олган тўлиқ фирма номи, жойлашган жойи, почта манзили, телефони:

«ВЮКИМУО» АЖ эгасининг номи ёзилган акциялари эгалари реестрини шакллантиришни амалга оширган марказий рўйхатдан ўтказувчининг ва уларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олишни амалга оширган депозитарий:

Ўзбекистон Республикаси Қимматли қоғозлар Марказий депозитарийси;

Манзили: Ўзбекистон, 100000, Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10.

Телефонлари: 8-371-236-14-34, факс: 8-371-233-13-57;

Лицензия раками ва берилган санаси: йўқ.

Лицензия берган орган: йўқ..

Лицензия амал қилиш муддати: йўқ.

«ВЮКИМУО» АЖ акцияларига бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олиш ва сақлаш функциясини бажарувчи:

«MULK SARMOYA BROKERLIK UYI» aksiyadorlik jamiyati,

Манзили: Ўзбекистон, 100000, Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10.

Телефонлари: 236-14-34, факс: 233-13-57

Лицензия раками ва берилган санаси: №107, берилган вақти 09.12.2012 йил.

Лицензия берган орган: Уз.Р. ҚҚБФМНҚМ томонидан.

Лицензия амал қилиш муддати: муддати чекланмаган.

11.5. Ушбу чиқарилишдаги жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби: ушбу акциялар барча акциядорлар ўртасида уларнинг ҳар бирига тегишли акциялар сонига нисбатан мутаносиб равишда тақсимлаш йўли билан ёпиқ обуна орқали жойлаштирилади. Имтиёзли ҳуқуқ қўлланилиши кўзда тутилмаган;

11.6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби: Ушбу чиқарилишдаги акциялар номинал қийматда жойлаштирилади;

11.7. Акцияларни тўлаш шартлари ва тартиби: Акциялар учун тулов Жамият Устав фондини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан жамиятнинг 2015 йил якуни бўйича олинган соф фойдасининг 1 672 552 900 сўмлик қисми ва ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасининг 1 916 101 100 сўмлик қисми эвазига жами 3 588 654 000 сўмга кўпайтириш орқали ва бухгалтерия ёзувларида тегишли ўтказмалар йўли билан амалга оширилади. Бунда, ушбу акциялар барча акциядорлар

ўртасида уларга тегишли акциялар билан бир типдаги акциялар, уларга тегишли акциялар сонига муносиб равишда тақсимланади.

11.8. Ушбу акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда эмитент томонидан акциялар тўлови сифатида олинган воситаларни қайтариш тартиби: Акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда, эмитент томонидан акциялар тўлови сифатида олинган воситалар қонунчиликда белгиланган тартибда қайтарилади.

12. Эмитент томонидан қимматли қоғозлар чиқарилиши (қўшимча чиқарилиши) тўғрисидаги ахборотни Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ошкор қилиш тартиби: Қўшимча акцияларни чиқарилиши тўғрисидаги қарор асл нусхаси ва нусхалари билан Тошкент вилояти, Янгийул тумани, Янгийул шаҳри, Кимёгар кучаси №1 уйда жойлашган «БИОКИМҲО» АЖ нинг ҳисоб бўлимида танишиш мумкин.

Акциялар чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги ахборот қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатда жамият расмий веб-сайтида, “Тошкент” фонд биржасининг расмий веб-сайтида, қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг расмий веб-сайти, корпоратив ахборот ягона портали openinfo.uz ҳамда амалдаги қонунда белгиланган тартибда оммавий ахборот воситаларида жойлаштириш орқали ошкор этилади.

«Тошкент» РФБ расмий веб-сайти www.uzse.uz

Манзили: Ўзбекистон, 100000, Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10.

Қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг корпоратив ахборот ягона портали openinfo.uz

Манзили: Ўзбекистон, 100000, Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10.

«БИОКИМҲО» АЖ расмий веб-сайти www.biokimyo.uz

Манзили: Ўзбекистон, 112004, Тошкент вилояти, Янгийул туман, Кимёгар кўчаси, 1 уй

13. Бошқа маълумотлар йўқ